

МЕНИНГОКОКК ИНФЕКЦИЯСИНинг КўП ЙИЛЛИК ДИНАМИКАДА КЕЧИШИНинг ЎЗГА ХОС БЎЛГАН ДАВРИЙЛИГИ

A.Ю.Мустанов., Г.С.Матназарова., М., Маденбаева Г.И.,

Курбаниязова М.О. Хамзаева Н.Т

Тошкент тиббиёт академияси, Эпидемиология кафедраси

Kalit so‘zlar: менингокок, инфекция, Бактерия, менингоэнцефалит.

Annotatsiya. Менингококк инфекцияси дунёning аксарият мамлакатларида Соғлиқни сақлашнинг жидди муаммоси бўлиб келмоқда, у турли хил клиник шаклларда кечадиган, кўпинча ўлимга сабабчи бўлиб, касалликнинг оғир кечиши ва ушбу касалликни бошидан кечирган одамларда ногиронлика олиб келиш ҳолатлари билан боғлиқлик.

Дунёning айрим минтақаларида чеклаш тадбирларга қарамасдан доимий ўзгаришлар менингококк инфекциясининг замонавий эпидемиологик хусусиятлари ҳудудлар бўйича урганишни тақоза қилмоқда.

Сўнгги 10 йил ичida менингококк инфекцияси билан касалланиш кўрсатгичининг пасайиши кузатилмоқда, аммо бу ҳолат касалликнинг эпидемия ва пандемия эҳтимолини истисно этмайди. Менингококк инфекцияси билан касалланиши эпидемик даврийлик кўп йиллик динамикада тўлқинсимон кечиши характерлидир, аксарият ҳолларда даврийлик ҳар 10-30 йилда такрорланади. Эпидемиялараро даврда менингококк инфекцияси билан касалланишнинг пасайиш ҳолатлари кузатилади.

Ўзбекистонда бундай даврийлик ҳар 30 йилда давом такирорланиб борган, бу эса ўз навбатида тиббиёт ходимларининг ушбу касаллика нисбатан огоҳлигининг пасайишига олиб келган. Менингококк инфекцияси кеч ташхис қўйиши, bemorларни шифохонага кеч ётқизилиши, кўпинча ўз вақтида кўрсатилмаган тиббий ёрдам сабабли bemorларда турли хил асоратлар ёки ўлим ҳолатлари келиб чиқиши кўзатилмоқда.

Менингококклар кўпинча бер неча серологик гуруҳга мансуб бўлиб, шундан энг заарли ва тез-тез тарқалиб турадиган менингококк инфекциясининг тарқалган клиник шакллари келтириб чиқаради. Бу эса ҳозирги даврда эпидемиологик вазият бироз ўзгартириб, баъзи мамлакатларда (Тайван, Жанубий Африка, Хитой, Бразилия, Аргентина, Чили, Буюк Британия, Россия Федерастияси) кузатилаётган менингококк инфекциясининг вирулентлик хусусияти кучайган, антибиотикларга нисбатан чидамли бўлган менингококкнинг мутант W 135 шакли келтириб чиқараётганлиги маълум бўлмоқда.

Дунёning кўплаб мамлакатларида менингококк инфекцияси кенг тарқалган оғир кечувчи клиник шаклларининг улуши юқорилиги менингокок инфекциясининг навбатдаги эпидемик авжи олиш арафасида эканлигидан далолат бермоқда.

Ҳозирги вақтда менингококкларнинг 13 та серогурухлари маълум бўлиб, патогенлиги бўйича барча менингококклар тенг эмас энг хавфли эпидемиялар A, B, C, W, X ва Y каби серотипдаги менингококк инфекцияслари келтириб

чиқармокда. Менингококк инфекциясининг тарқалган клиник шакллари оқибатида келиб чиққан асоротлар ичидаги ўлим ҳолати юқорилигича қолмоқда ва шу минтақага қараб 2-50% гача ўзгариб бормоқда.

Ўтган асрнинг 70-йилларда кузатилган эпидемик авж олишлар пайтида Ўзбекистонда менингококк инфекцияси билан касалланишнинг узоқ муддатли динамикаси (1970-2018 йиллардаги кузатувлар) дан кўриниб турибдики, А серогурух менингококклари эпидемиялар даврда энг катта улушга эга бўлган. (Хожаев Ш.Х., Соколова И.А. 1972-1975). 1978 йилдан 2018 йилгача А серогурухи чақирган касаллик спорадик ҳолатларда қайд этилган.

Хозирги вақтда менингококк инфекцияси дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатларида қайд этилган. Менингококк инфекциясилари билан касалланишнинг энг юқори кўрсаткич Африка қитъасида, гиперэндемик зонада қайд этилган, бу Сахаранинг жанубида, Сенегалнинг фарбида, шарқда Эфиопияга қадар тарқалган ва 14 мамлакатни ўз ичига олган[8,9].

ЖССТ таснифига кўра, менингококк инфекцияси билан касалланиш ҳолатларининг ўртача даражаси (йилига 100000 аҳолига нисбатан <10 ҳоллат) Европанинг 15 мамлакатларига тегишли 18 мамлакатда ушбу касаллик билан касалланиш даражаси паст деб баҳоланади (йилига 100000 аҳолига нисбатан <2 та ҳолат). Менингококк инфекциясилари турли шаклларининг энг юқори даражаси 25 мамлакатни ўз ичига олган[11].

Менингококк инфекцияси Фарбий Европада касалланиш ҳар 100 минг аҳолига нисбатан 0,4-4 интенсив кўрсаткичларни ташкил этаган, Россияда ҳар 100 минг аҳолига нисбатан 1 кўрсаткичларни ташкил этади. Асосан, қўпроқ спорадик ҳолатлар қайд этилсада, бироқ болалар жамоаларида, гуруҳларга янги қабул қилинганлар орасида эпидемик авж олиш кўринишида намоён бўлмоқда.

Менингококк инфекциясининг тарқалган клиник шакллари билан касалланганлар орасида ўлим даражаси 70-80% га тинг. Менингококк инфекциясини даволашда антибиотиклардан фойдаланиш ўлим ҳолатини 15% га камайтириди. Соғ қолганлар орасида, тахминан, 20% жиддий асоратлар келиб чиққаради шулардан энг оғири эпилепсия, ақлий ривожланишни кечикиши, ақлий заифлик ва карлик ҳолатларнинг юзага келишидир[10].

Энг юқори касалланиш кўрсаткичлари Африка давлатларида, айниқса, Марказий ва Фарбий Африка давлатларида кузатилмоқда. Африка минтақасининг тропик ҳудудларида менингококк инфекцияси билан йиллик касалланиш кўрсаткичи 100 минг аҳолига 300-700 ни ташкил қилмоқда. Баъзи мўътадил кенгликлардаги мамлакатларда менингококк инфекцияси билан касалланиш кўрсаткичи юқори бўлмасада, 100 минг аҳоли сонига нисбатан 0,01-0,02 ҳолат кузатилмоқда[12].

Эпидемиологик нохуш ҳолатлар бўлган вақтларда бу кўрсаткич 8-12 ни ташкил қилган[7,9].

Менингококк инфекцияси билан касалланишнинг ўзига хос хусусиятлари нотекс тарқалганлиги бўлиб, у бошқа ҳаво-томчи касалликлардан ажратиб туради. Бироқ хозирги кунда ҳудудларда спорадик баъзан эпидемик авж олиши куринишларида кузатилиб турилмоқда[8].

Т

а
д
и
к

осойиталиги ва жамоат саломатлиги қумитасининг расмий маълумотлари ва ҳисбот шакллари.

Тадқиқотнинг объекти. Менингококк инфекцияси билан касалланган беморларнинг касаллик тарихлари, лабараторияга олинган орқамия суюқликларига олинган намуналар.


Тадқиқотнинг усуллари. Ушбу тадқиқот бажарилишида эпидемиологик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Менингококк инфекцияси билан касалланишнинг кўп йиллик динамикаси, катта даврийликлар билан характерланади. Бунда касалланишнинг ёшлар бўйича таркиби сезиларли ўзгармайди. Касалланишнинг кўтарилиган йиллари барча ёшдаги гурӯхларда касалланиш кўрсаткичи ортмоқда[6,8,10].

Менингококк инфекцияси билан касалланишнинг энг юқори кўтарилиши А серогуруҳига хос бўлиб, асосан мавсумийлик қиши-куз фаслларида кўпроқ учрайди. Касалланишнинг тарқалган шакллари билан касалланиш шаҳар аҳолиси орасида қишлоқ аҳолисига нисбатан юқори[4,9].

Менингококк инфекцияси тубдан ўзгариб 2000 йилда, Африкада 32% дан 56% ҳолатларга W135 серогуруҳ менингококк касалликларни келтириб чақирмоқда[1]. Менингококк W135 серогуруҳи штаммлари Тайван, Жанубий Африка, Хитой, Бразилия, Аргентина, Чили ва Буюк Британияда жиддий авж олган[9].

**менингококк инфекцияси билан касалланиш
Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти кесимида**




Менингококк инфекциясининг W135 серогуриҳи келтириб чиқарган касалликнинг ортиши Россияда ҳам кузатилмоқда. 2013 йилдан бери ушбу W135 серогуруҳ томонидан вужудга келган менингококк инфекцияси билан касалланиш ҳолатларининг йилдан-йилга ўсиб бориши қайт этилмоқда[2].

Менингококк инфекциясининг илгари учрамаган, янги штаммлари кучли вирулентлик қобилиятига эга мутантлардир, уларга қарши аҳолининг популяцион иммунитети мавжуд эмас, айrim антибиотикларга қарши

чиdamлилик юқори, тез тарқалиш тенденциясига эга ва асосан катта ёшдаги ахоли ўртасида ўлим ҳолатлари кузатилмоқда[5].

Тошкент шаҳрида 2019 йил менингококк инфекциясининг барча ҳолатлари яний Neisseria meningitidis A серогурухи ва битта ҳолат Россия Федерациясидан олиб келинган W135 серогурухи туфайли юзага келган. Шу муносабат билан, Ўзбекистон фуқаролари ўртасидаги миграция жараёнлари ва фуқароларнинг менингит бўйича хавфли бўлган мамлакатлардан менингококк инфекцияси билан касалланиб келишлари Республикадаги эпидемиологик вазиятга салбий таъсир кўрсатмоқда.



Менингококк инфекцияси билан касалланиш Тошкент шаҳар кесимида 2019-2023 йиллар давомида.

Менингококк инфекцияси 14 ёшгача бўлган болаларда ва ёшларда кўпроқ учрайди. Менингококк инфекцияси билан касалланиш динамикасида ўрта ҳисобда 10-15-20 йил оралиғида даврийлик кузатилиб турилган. Менингококк инфекцияси билан касалланиш кўпинча мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида кўпроқ учрамоқда.

Менингококк инфекцияси ташувчилари ахоли орасида кенг тарқалган, аммо унинг тарқалиши кўплаб омлларга боғлиқ (табиий, ижтимоий, техник), қолаверса менингококк яширин кўринишдаги ташувчиларини аниқлаш ва унинг соғ култураларини етиштириш қийинлиги касаллик профилактикасида қийинчиллик келтириб чиқаради [2, 8]. Шунга қарамай кўпгина давлатларда аксарият тадқиқотчилар бактериологик усул номукаммаллигига қарамай оммавий текширувларда қўллаб келишмоқда[1,4].

Бошқа ҳаво-томчи инфекциялари каби касаллик манбай ва мойил организмлар ўртасидаги мулоқот даражаси яшаш шароити, касб-хунар, кундалик ҳаёт тарзига боғлиқ. Хусусан чекиш бактериал ташувчанликни келтириб чиқаришда катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари аҳолининг зич жойлашуви, иқлим шароити ва бошқа табиий омллар касалликнинг тарқалишида катта аҳамиятга эга бўлмоқда[3].

Инглиз тадқиқотчиси Christensen H. ва бошқа олимлар менингококк бактерия ташувчанлик бўйича таҳлил ўтказиб, бактерия ташувчанлик ёшининг энг юқори даражаси 19 ёшдагилар ва катталар (23,7%), эканлиги, бу ёшда одамлар орасида мулоқат юқори бўлиб, 50 ёшга келиб эса бу кўрсаткич 7,8% га камайган[9,7].

Бактериал менингит ва бактерия ташувчанлик динамикасини таққослаганда бу икки жараён ўртасидаги кучли тескари боғлиқлик аниқ кўриниб турибди бу эса одамларнинг ташувчанлик туфайли иммунологик ҳимоясини босқичма-босқич шакллантириш билан изоҳланади[7].

Айрим кузатувлар туфайли шу аниқландики *Neiseria meningitidis*нинг бактерия ташувчанлиги аёлларга нисбатан эркакларда кўпроқ учрайди, бу улар орасида мулоқат жадалиги (ҳарбий хизматлар хар-хил давлатларга бориб ишлаш ва ҳоказолар) билан изоҳланади[5,3].

Менингококкли инфекция bemорларнинг яширин даврнинг охиридаёқ ҳавфилилиги тўғрисида маълумотлар мавжуд, bemорлар бутун касаллик давомида атрофдагиларга юқумли ҳисобланади, қўзғатувчи бурун-халқумда кўпи билан уч ҳафтагача сақланиб қолади[6]. Назофарингит шаклидаги bemорлар атрофдагилар учун тахминан уч ҳафтагача ҳавфли бўлиб қолишилари маълум бўлмоқда. Ҳозирги вақтда марказлашган шаҳарларда касалликнинг битта тарқалган шаклидаги bemорига, йилига 45000-50000 бактерия ташувчилар тўғри келади[9].

Бактерия ташувчанлик ушбу касаллик эпидемик жараёнида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Касаллик юқишининг кўпчилик ҳоллари, шу жумладан тарқалган шакллари ҳам бактерия ташувчилардан юқади, бироқ барча бактерия ташувчилар ҳам бир хил эпидемиологик аҳамиятга эга эмас[6,9].

Ўзбекистонда 30 йилдан ортиқ давом этган эпидемияларо даврда менингококкли инфекция билан касалланиш ҳолатининг учраб туриши bemорларга кеч ташхис қўйиш, кеч касалхонага ётқизиш қўпинча ўз вақтида кўрсатилмаган тиббий ёрдамлар сабабли кузатилмоқда. Касалликнинг «Менингококцемия ва менингоэнцефалит» шакллари билан 3,9% ҳолатларда кузатилган бўлса, “Менингит” ташхиси билан 12,6% ҳолатлар кузатилган жумладан ‘‘Менингококцемия + менингит’’ билан 57,5% ҳолатлар кузатилган.

Кўпчилик бактерия ташувчиларда тахминан 70% бурун-халқумда менингококклар кўпайиши қисқа вақт давом этади 7-10 кун ўтгач такрорий бактериологик текширишлар манфий натижа берса менингококклар сони ҳам ортган. Бундай бактерия ташувчилар соғлом кишиларга менингококкларни юқтирумайди, ёки ажralаётган қўзғатувчиларнинг сони кам бўлганлиги учун худди шундай қисқа вақтли бактерия ташувчиликка сабаб бўлиши мумкин[10]. Колган бактерия ташувчилар маълум вақтгача менингококкларни ажратиб

туради, бироқ уларнинг кўп қисми 3-6 ой ўтгач менингококклардан холи бўлиб, фақат 5% бактерия ташувчилар менингококкларни 6 ойдан кўпроқ ажратадилар, улардан айримлари бир неча йил бактерияни ажратиб юриши ҳам мумкин. Бундай кишиларнинг бурун-халқумида қўзғатувчилар кўп ажиради, битта суртма экилганда 30 дан ортиқ колониялар топилади[2,4,8].

Узоқ муддатли бактерия ташувчилик асосан, А, В, С эпидемик штаммлар учун хослиги назарда тутилса, бу ҳолда уларнинг менингококк инфекциянинг, тарқалган шаклларини юқтиришдаги роли ҳисобланади. Айни шундай узоқ муддатли бактерия ташувчилар ҳисобига ёпиқ уюшган жамоаларда узоқ давом этадиган эпидемик ўчоқлар шаклланади, бунда бир неча йиллар мобайнида маълум вақт давирлари билан касаллик ҳоллари, айниқса, касалликнинг тарқалган шакллари вужудга келган[5].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Meningococcal vaccines: polysaccharide and polysaccharide conjugate vaccines. Wkly Epidemiol Rec. 2002 Oct 4; 77 (40):331-9.
2. Jafri RZ, Ali A. Missionnier NE, Tevi-Benissan C, Durrheim D, Eskola J, et al. Global epidemiology of invasive meningococcal disease. Popul Health Metr. 2013 Sep 10; 11(1):17. doi: 10.1186/1478-7954-11-17.
3. Imrey PB, Jackson LA, Ludwinski Ph. Outbreak of serogroup C meningococcal disease associated with campus bar patronage. Am J Epidemiol. 1996;143(6):624-30
4. Bryantseva E. V. et al. Measles outbreak in the Republic of Uzbekistan //Journal of Coastal Life Medicine. – 2023. – Т. 11. – С. 2230-2235.
5. Эрматов Н., Мустанов А. Анализ результатов гигиенической оценки случаев пищевых отравлений //Models and methods in modern science. – 2022. – Т. 1. – №. 18. – С. 32-34.
6. Мустанов А. и др. Менингококк инфекциясининг турли клиник шакларда кечишида ўзига хос хусусиятлари. – Международная научно-практическая конференция" Актуальные проблемы инфектологии, эпидемиологии и паразитологии", 2022.
7. Мустанов Ф., Матназарова Г., Брянцева Т. Н. Менингококк инфекцияси билан касалланишнинг ўзига хос бўлган даврийлиги : дис. – 2022.
8. Azamat M., Kumush G. Ozbekistonda meningokokk infersiyaning zamonoviy epidemiologik xususiyatlari. – International Conference on learning and teaching, 2022.
9. Миртазаев О. М. и др. Менингококк инфекцияси билан касалланишнинг ўзига хос хусусиятлари. – 2022.
10. Мустанов А. Ю., Матназарова Г. С., Брянцева Е. В. Менингококк инфекциясининг эпидемиологияси ва унинг профилактикчора тадбирларини такомиллаштириш : дис. – Тошкент тиббиёт академиясига 100 йил, 2022.
11. Мустанов А., Брянцева Е., Матназарова Г. Менингококк инфекциясининг эпидемиологик хусусиятлари. – 2021.
12. Мустанов А., Брянцева Е., Матназарова Г. Менингококк инфекциясидан ўлим ва ногиронлик холатларининг келиб чиқиши сабаблари : дис. – Вестник Ташкентской медицинской академии, 2021.

13. Мустанов А. Ю., Брянцева Е. В., Матназарова Г. С. Менингококк инфекциясига қарши вакцина чора-тадбирларни ташкиллаштириш //ташкентская медицинская академия кафедра эпидемиологии казахский национальный медицинский университет имени сд асфендиярова. – С. 52.
14. Мустанов А. Ю., Брянцева Е. В., Матназарова Г. С. Менингококкли инфекцияси билан касалланишнинг кўп йиллик динамикаси ва эпидемиологик хусусиятлари //ташкентская медицинская академия кафедра эпидемиологии казахский национальный медицинский университет имени сд асфендиярова. – С. 46.
15. Миртазаев О. М. и др. Некоторые эпидемиологические особенности менингококковой инфекции в Узбекистане. – 2020.
16. Мустанов А. Абу Али Ибн синонинг табобатга қўшган ҳиссаси : дис. – Tibbiy ta'limda etika va integratsiya masalalari, 2021.
17. Matnazarova G. S. et al. Epidemiological features of tuberculosis in the republic of karakalpakstan in the period 2011-2020 //World Bulletin of Public Health. – 2023. – Т. 21. – С. 32-36.
18. Matnazarova G. et al. The new coronavirus-COVID-19 in Uzbekistan //International Journal of Pharmaceutical Research (09752366). – 2020. – Т. 12. – №. 4.
19. Toshtemirovna X. N. et al. COVID-19 infeksiyasining epidemiologik raqamli ko 'rsatkichi //iqro. – 2023. – Т. 3. – №. 1. – С. 160-164.
20. Хамзаева Н. Т., Матназарова Г. С. Covid-19 инфекциясидан химояланишда шахсий химоя ва антисептик воситаларнинг аҳамияти //pedagogik islohotlar va ularning yechimlari. – 2023. – Т. 1. – №. 2. – С. 80-82.
21. Khamzaeva N. T. et al. The effectiveness of a new food substance-a hard gelatin capsule-«vizioni junior» is being studied in children who have recovered from the coronavirus //World Bulletin of Public Health. – 2023. – Т. 20. – С. 41-45.
22. Toshtemirovna K. N., Islamovna S. G., Sultanovna M. G. The Effectiveness Of A New Food Substance-A Hard Gelatin Capsule- " Sedan Bark" Is Being Studied In Children Who Have Recovered From The Coronavirus //British View. – 2023. – Т. 8. – №. 3.
23. Yunusovich, M. A., Sultanovna, M. G., Toshtemirovna, K. N., & Oralbaevna, K. M. (2024). The epidemiological situation of meningococcal infection. *World Bulletin of Public Health*, 31, 94-96.